



Тошкент халқияти

РЭНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 101 (10.097).

1991 йил 29 май • чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

• Буюк ипак йўли экспедицияси—Тошкентда

АЖДОДЛАРИМИЗ САБОҒИ

ЮНЕСКО ташаббуси билан уюштирилган Буюк ипак йўли экспедициясининг навбатдаги маршрути иштирокчилари низоҳат Тошкентга кириб келдилар. Утган кунни улар режага мувофиқ Оққўрғон районига бўлиб, бу ердаги қадимий тарих ва маданият обидалари билан ақидан танишдилар.

Экспедиция иштирокчилари Оққўрғонда тантана билан кутиб олинди. Қизлар уларга гуллар тутти, онахонлар иштирокидаги ўзбек фольклор ансамбллари турли рақс ва лапарлар икром этиб беришди.

Турли хорижий мамлакатлардан ва Совет Иттифоқининг бир кенча шаҳарларидан келган йирик олимлар, мутахассислар район ҳудудида жойлашган Қонқа тепалигига чиқиб, у ердаги қадимий ёдгорликлар қолдиқлари билан танишдилар. Тарих фанлари доктори, профессор Ю. Ф. Буряков мазкур обида ҳақида жуда кўп тафсилотларни ҳикоя қилиб берди.

Султон Сағизбоев номли совхоз чойхонасида экспедиция иштирокчилари райондаги турли фольклор гуруҳлари концертини томоша қилдилар. Киргиз, қозоқ, қорейс этнография ансамбллари иштирокчиларни баҳраманд қилдилар. Пировадда меҳмонлар Шохруҳия тарихий обидасини бориб кўрдилар.

— Мутахассислигим бўйича Шарқ маданий меросини ўрганамен, — дейди Осако университети профессори, антропология музейи директори То Сигикура. — Тўғри, Япония билан Ўзбекистон маданияти тубдан фарқ қилади. Лекин, сафаримиз мобайнида улар маданиятининг ўхшаш томонлари жуда кўпчилигида ишонч ҳосил қилдим. Оққўрғондаги ташриф ҳусусига келсак, бу ерда деҳқон аҳли ва чорвадорлар бир-бирига жуда яқинлашиб, уйғуллашиб кетган экан. Бу уйғунлик эса вилоят ривожига, албатта, ўз таъсирини кўрсатган. Назаримда Ўзбекистонликлар ўз маданиятларини нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам кенг тарғиб этмоқлари лозим. Ана шундагина бутун дунё аҳли бу дивернинг ўта қадимий маданиятидан воқиф бўлади. Утган йилни Доғистонда бир йиллик экспедиция ташкил қилиб, фильм суратга олган эдик. Бугунги учрашувлардан кейин Урта Осиёда ҳам шундай фильм яратиш нияти туғилди. Тез орада яна шу ерларда учрашиб қолсак ажаб эмас.

— ЮНЕСКО тарихидаги биринчи бор уюштирилган бу улкан экспедиция фақат илмий мақсадлар билан чекланиб қолмай, балки Хитойдан Европача чўзилган йўл ёқасидаги халқларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, турмушини, муаммоларини ҳам ўрганаётди, — дейди филиппинлик дин уламси, профессор Габриэль Касалес. — Энг асосий мақсад — умуминсоний кадриятларни қучайтириш. 1989 йилда СССРга келиб, 5—6 кун бўлганман. Лекин Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ўзбекистон ва Филиппиннинг ўхшаш томонлари жуда кўп экан. У ерда ҳам бу ерда ҳам миллати, дини турлича бўлган кўплаб халқлар яшайди. Қолаверса, бу ерда турли маданиятлар уйғунлигини кўрдим. Ана шу маданиятларни чуқур тадқиқ этиб, таҳлил этиш жараёнида бу ўлкага қизиқишим ортди.

Экспедициянинг бошқа иштирокчилари ҳам вилоятимиз бўйлаб сафарнинг биринчи кунини ҳақида таассуротлари жуда яхши эканигини билдирдилар.

СУРАТЛАРДА: Буюк ипак йўли экспедицияси катнашчиларининг Оққўрғон районига кутиб олинishi ва уларнинг Қонқа тарихий обидаси билан танишуши ҳазалари.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.



ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ УРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Белоруссия ССР ҳукумати уй-жойларнинг, халқ ҳўжалиги иншоотларининг вайрон бўлишига, экинларнинг нобуд бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан Ўзбекистон халқларига ва ҳукуматига самимий ҳамдардик билдирди. Беларуссия ҳукумати ва меҳнат жамоалари республикаларимиз ўртасидаги ҳўкуматлараро битимда кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишига алоҳида эътибор берадилар.

Белоруссия Вазирлар Кенгашининг Раиси
КЕБИЧ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Малайзия парламенти делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишмоқда. Делегацияга вазирлар палатасининг спикери Муҳаммад Зоҳир Исмоил раҳбар бўлиб келган.

25 май кунини делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қабул қилди. У республика Олий Кенгашининг тузулиши ва фаолияти тўғрисида гапириб берди. Иқтисодий ва маданий ҳамкорлик маса-

М. С. ГОРБАЧЕВ БИЛАН
Ж. БУШ ТЕЛЕФОН
ОРҚАЛИ
СУХБАТЛАШДИЛАР

27 май кунини кечкурун СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Буш телефон орқали суҳбатлашдилар.

Муфасссал ва амалий суҳбат чоғида қурол-яроғларни қисқартириш ҳамда йккала мамлакатнинг иқтисодий алоқаларига доир энг долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бунда режалаштирилган олий даражадаги учрашуви истибболларига асосланди.

СССР ва АҚШ Президентлари амалга ошириладиган ишдан мамнуният изҳор қилдилар. уни тезроқ муваффақиятли тугаллашга интилаётганликларини айтдилар.

(ТАСС).

ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

ЯНГИЙЎЛ
НОХИЯСИДАГИ
«КОММУНИЗМ» ЖАМОА
ХўЖАЛИГИ
ПИЛЛАКОРЛАРИ
РЕЖАГА ҚўШИМЧА
ПИЛЛА
ТОПШИРМОҚДАЛАР

Бир вақтлари қурт боқиб масвунини бошлади дегунча бағр тайёрловчиларнинг юзига беизлаб турарди. Чунки авжи қуртлар даҳага кирганда озуқа етишмас, тайёрловчилар хонадонларидан қириб одамларнинг тирикчилигига яраб турган тутларнинг бағрини кесиб олиб кетишарди.

Бу, албатта, ҳар хил гап-сўз, норозиликларга сабаб бўларди.

— Бу аҳволда озуқа бори бўлмайди, — деди раис М. Исмоил, — модомки пиллачиллик хўжалигимизнинг муҳим тармоқларидан бири экан, энг аввало озуқа базасини мустаҳкамлашимиз керак.

Шундай қилинди. Ҳозирги пайтда хўжаликда 70 гектардан ортиқ тутзорлар бор. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам тут бағрлари пиллакорларга расамади билан тақсимланди. Шу тўғрисида режа районда биринчилардан бўлиб ортига билан бажарилиди. Мўлжалдаги 25 тонна ур-нига 27 тоннадан ортиқ хом ашё топирилди.

Жамийла Абдуалимова 245 килограмм, Карима Эрмековна 188 килограмм, Шовкат Тошпов 159 килограмм, Холдор Қодиров 158 килограмм, Шаҳодат Мухиддинова 155 килограмм пилла топирилди.

Бу илгор пиллакорларининг ҳар бири янги нарх бўйича қамбала 3—3,5 минг сўмдан пул оладилар.

Н. ИСАЕВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз

пенсияларнинг ижтимоий ҳимоялаш юзасидан
қўшимча тадбирлар тўғрисида

1. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсияларнинг турмуш даражаси пастлигини ҳисобга олиб, нисонпарварлик, меҳр-муруват тўғрисида келиб чиқиб ва шу тўғрисидаги пенсияларнинг ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида:

— Уй ҳақи ва коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашдан озод қилинсин;

— Умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи ташкилотида (таксида ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшайдиган маъмурий район ҳудудида умумий фойдаланишдаги автотранспортда бепул юриш ҳуқуқи берилсин;

— Шифокорлар рецепти билан бериладиган дори-дармонлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинсин;

— Белгиланган миқдордаги энг зарур моллар бепул берилсин.

2. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсиялар пайсига гувоҳномасининг республика ижтимоий таъминот идоралари берадиган махсус қўшимча арақаси биринчи бандда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат деб белгилансин.

3. Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон ССР Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорт вазирлиги, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаъдор идоралар билан биргаликда 1-бандда кўрсатилган имтиёزلарни бериш тўғрисида низоми тасдиқласин.

4. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

5. Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идоралари, совет ва хўжалик идоралари жойлардаги ёлғиз пенсияларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ишлари қучайтирилсин, жамоат ташкилотларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва фуқароларнинг муҳтож пенсияларга ёрдам бериш борасидаги хайрия фаолияти қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин.

6. Мазкур Фармон 1991 йил 1 июлдан бошлаб қуча киритилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 27 май.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонида шарҳ

Ўзбекистон ССРда яшайдиган ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ва Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлигининг муассасалари рўйхатида турган ёлғиз кекса пенсияларнинг кўп. Қариндош-уруғлари, оиласи бўлмаган ва энг кам миқдорда пенсия оладиган бу одамлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархи оширилишидан, айниқса, кўп азият чекдилар.

1991 йил 1 июлдан бошлаб қуча киритилган ушбу Фармон шу тўғрисида аҳоли моддий таъминотини яхшилаш мақсадида уларга имтиёزلар беради. Бундай шахсларнинг нолма-ном рўйхатини район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитети билан биргаликда тўзеди.

Пенсия дафтарчасининг махсус қўшимча арақаси шу имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Бу қўшимча арақаси район-шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг муҳри ва маъсул шахс имзоси билан тасдиқланган бўлади.

Имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини олган ёлғиз пенсиялар пенсия гувоҳномасининг қўшимча арақаси асосида район-шаҳар ижроия комитетининг ёки корхонанинг (уй-йўл вақараш бўлса) уй-йўлдан фойдаланиш ташкилоти томонидан квартира ва

коммунал хизмат учун ҳақ тўлашдан озод қилинади. Ижра-рининг шахсий ҳисоб арақасига бу ҳақда аэиб қўйилади.

Жамоат транспортда (таксида ташқари) бепул юриш учун ҳам пенсия гувоҳномасини қўшимча арақаси билан бирга кўрсатиш зарур.

Ёлғиз, маҳнатага лаёқатсиз пенсиялар Улуғ Ватан уруши ноғиронлари ва иштирокчилари каби энди шифокор-рецепти билан дори-дармонларни бепул олишди. Дори-лар соғлиқни сақлаш муассасаси СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланган махсус бланкага аэилган рецепт билан олинади.

Яшаш жойига қараб бириктирилган дўконда ёлғиз пенсия-нега тасдиқланган рўйхатда-ги энг зарур молларни белги-ланган миқдорда бепул бе-риш учун улар рўйхатга оли-нади. Бу ҳақда шу мақсад учун тутилган махсус дафтрага аэиб қўйилади.

Шу билан бирга Ўзбеки-стон ССР вазирликлари, идо-ралари, совет ва хўжалик идораларига жойларда ёлғиз пенсияларга улар турмуш даражасини оширишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш иш-лари қучайтирилсин, жамоат та-ш-килотлари, корхоналар, муас-сасалар ва фуқароларнинг хайрия фаолиятини кенг ри-вожлантириш тўғрисида кўр-сатма берилган.

Ўтишда маънавий ёрдам бе-райлик.

Шу жиҳатдан олганда сиэлар бошланган ташаббус-ин меҳр-шафқат нишга ўх-шатим келади. Масалан, бунда тиббиёт ходимлари эшидеида дастлабки зар-баини ўзларига олганлар Албатта, бу тақдирлаш шартли. Аммо аҳамияти нуқтаи назардан эса, одам-лар учун жамғармани ву-жудга келтириш жуда му-ҳимдир. Ўзбекистондаги муаммолар билан танишу-бунга яна бир нарра ишо-н-тирди. Хуллас, сиэларнинг ташаббусининг ижтисо-рий-миздаги барча востилар билан қўллаб-қувватлаймиз.

Рустем ТЭЛЛЭ,

(Ўз мухбири).

(«Рабочая трибуна», 1991 йил, 25 май).

Валентин ПАВЛОВ:

«ТАШАББУСИНГИЗНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМАН»

СССР Бош вазир В. С. Павлов 22—25 майда Ўзбекистонда бўлди. У жум-хурият ҳаёти ва унинг муаммолари билан таниш-ди. Жала ва тошқиндан за-рар кўрган бир қатор ви-лоятлар ва ноҳияларга са-фар қилди. Қўрақалпоғ-истон, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги норхона-лар ва хўжаликларнинг меҳнаткашлари билан уч-рашди. Нукус ва Урганчада партия, совет ва хўжалик фаолларининг йиғилишлари ўтказилди. Уларда мамла-кат Бош вазирини марказ-нинг жумхуриятга кўрсата-диган ёрдами дастурини, табиий офат тўғрисида қўрил-ган улкан зарарнинг ўрнини тўлдирish режаларини баён қилди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Ва-зирлар Маҳкамасининг кеча

бўлиб ўтган мажлисида ҳам шу ҳақда гап борди. СССР ҳукуматининг бошлғи совет халқлари қардошлиғи муно-сабатлари ва ўзаро ёрдами амалда яна бир нарра ўз ифодасини топади, жумху-рият кулфатда ёлғиз қол-майди, деб ишонтирди.

В. С. Павловнинг Ўзе-бекистон бўйлаб сафарига унга Ўзбекистон ССР Пре-зиденти И. А. Каримов,

Туркменистон ССР Бош вазир Х. А. Аҳмедов, Қўрақалпоғистон ва вилоят-ларнинг раҳбарлари ҳамроҳ бўлишди.

Валентин Сергеевич «Ра-бочая трибуна» мухбири-нинг саволларига жавоб қайтариб, жумладан, қуйи-дагиларни қайд этди:

— Мен бу сафаримдан яна бир мақсадни — яъни, жумхуриятнинг бозорга ўттиш арафасидаги ҳозирги шарт-шароитлари қандай эканилигини ўрганишни кў-зда тутган эдим. Бу маънода Ўзбекистон ҳавас қиларли даражада эмас. Жумхурият неча ўн йиллар давомида хом ашё ўлкаси сифатида ривожланиб, фойда ўрнига зарар кўрса ҳам, умумий вазифани бажариб келди. Жумхурият бозор иқтисо-дийига ўтаётган бир пайт-да ривожланган қайта иш-лаш саноатига ва товар иш-

лаб чиқариш базасига эга бўлмаслигида ундаги аҳо-лининг айбон йўқ. Боз усти-га Ўзбекистон Орол муам-молари билан боғлиқ эколо-гик ҳалокат зонасидадир. Бундай аҳволини умумий куч-гайратларни сафарбар этиш орқали ўнглаб олиш лозим.

— Ўзбекистондаги, уму-ман олганда эса бутун Урта Осиё минтақасидаги энг ўткир муаммолардан бири ишканишдир. У айни пайт-да қолон ижтимоий база ва аҳоли турмуш даражаси-нинг низоҳатда пастлиги би-лан боғлиқ кетган. Жум-хурият ушбу муаммоларни ҳал этишда Иттифоқ идора-ларининг қўмағига умид қилса бўлади.

— Шан-шубҳасиз. Тўғри, лойиҳалар иллари ҳам бўл-ган. Бироқ улар, менинг фикримча, кабинетларда тў-

қилган бўлиб, реал ҳаётдан узилб қолган эди. Масала-лар, минтақа аҳолисини кенг қўламада бошқа ерлар-га кўчириб жойлаштириш дастурини олайлик. Бироқ, ҳеч ким иштиёғи равишда бу ердан кўчишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Иқтисодий-структурасини аҳоли эҳ-тиёжларига қараб буриш лозим. Биз эга бўлган ул-кан табиий бойликларни қайта ишлаш бийликларини ошириш зарур. Бу — ми-н-тақадаги, жумладан, Ўзе-бекистондаги муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири бўлади.

— «Рабочая трибуна» тахририяти муаммоларнинг низоҳатда мураккаблигини тушуниб, ишканишдан му-ҳофаза қилувчи Бутунитти-фоқ жамғармасыни ташкил этиш ташаббуси билан чиқ-ди. Сиз мамлакат Бош ва-

зир сифатида бу ташаббус-ни қандай баҳолайсиз?

— Давлат жиҳидий маса-ларини ҳал этар экан, ҳар қандай ёрдамдан воз кечиш-га ҳаққи йўқ. Ягона шарт шуки — ишлар юксак шар-вада олиб борилиши дар-кор. Одамларга ёрдам бер-моқ учун нимани, қаерда ва қандай тарзда бажариш лозимлигини аниқ-равшан билиш шарт. Масалан, биз бориб кўрган Нукус уйсо-лик ёки Хива тилма комби-натлари жамоаларига қан-дай ёрдам бера оламиз? Қўрақалпоғистонда 40 минг-дан зиёд, бошқа минтақа-ларда эса бундан ҳам кў-роқ ишсиз маъжуд. Фақат капитал маблағлар, моддий маданий ўзи кифоя эмас. У ердагиларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш ҳам даркор. Одамларга бозор шарт-шароитларига

аэри сифатида бу ташаббус-ни қандай баҳолайсиз?

— Давлат жиҳидий маса-ларини ҳал этар экан, ҳар қандай ёрдамдан воз кечиш-га ҳаққи йўқ. Ягона шарт шуки — ишлар юксак шар-вада олиб борилиши дар-кор. Одамларга ёрдам бер-моқ учун нимани, қаерда ва қандай тарзда бажариш лозимлигини аниқ-равшан билиш шарт. Масалан, биз бориб кўрган Нукус уйсо-лик ёки Хива тилма комби-натлари жамоаларига қан-дай ёрдам бера оламиз? Қўрақалпоғистонда 40 минг-дан зиёд, бошқа минтақа-ларда эса бундан ҳам кў-роқ ишсиз маъжуд. Фақат капитал маблағлар, моддий маданий ўзи кифоя эмас. У ердагиларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш ҳам даркор. Одамларга бозор шарт-шароитларига



1991 йил Алишер Навоий йили

ХАЗРАТ Алишер Навоий — ўз икди давомида ўттиздан зиёд йиллик наърий ва насрий асарлар ёзиб қолдирган буюк бобокалонимиз, мутафаккир шоир ва давлат арбоби, ўзбек классик адабиётини жаҳон минбарига олиб чиққан улғусиймодир.

Сўз санъаткорларимизнинг адабий меросини пухта ўзлаштирмай туриб, халқ тарихини мукаммал ўрганиб бўлмаслиги, табиий ҳақиқатан ҳам, Шекспир, Байрон, Голсуорсидарсиз Англия тарихини мукаммал билиб бўлмаганидек, Алишер Навоий тилисиз, унинг бой адабий меросисиз ўзбек классик адабиёти хазинаси, ёднамалари, халқимиз учун муҳим тарихий манба ва ҳужжатларни чуқур ва мукаммал ўрганиш қийин, албатта. Ёзма ёдгорликлар ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда, унинг шаклланишини, тараққиёт йўллари ва қонуниятларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат этади. XV аср тили учун аса Навоий асарлари алоҳида ўрин тутади.

Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари шоир барҳаёт давридаёқ хаттотлар томонидан қўлёзма нусхаларида кўчирилиб, яқин ва узоқ ўқувларга кенг тарқалган эди. Ҳозирги вақтда Навоий мероси қўлёзмалари Ленинград, Тошкент, Душанба, Боку, Тбилиси, Ере-

ван, Ашхобод, Қозон, Самарқанд, Бухоро, Қўнон, Лондон, Оксфорд, Немебург, Дублин, Берлин, Мюнхен, Вена, Париж, Рим, Утсала, Нью-Йорк, Филадельфия, Истанбул, Анкара, Қобул, Хайдаробод, Теҳрон, Қоҳира каби шаҳарлардаги Шарқ қўлёзмалари хазиналарида сақланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар до-

хаттотлар ҳақида маълумот берилади. Бу маълумотлар муаллифнинг узоқ йиллар Навоий асарлари қўлёзмалари устида олиб борган тадқиқотлари асосида тўпланган.

Ушбу рисолада Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан 166 нафарининг, шунингдек Алишер Навоий асарларининг

ШОИР АСАРЛАРИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР

рулҳикмаси Ҳамид Сулаймонов номидagi қўлёзмалар илмгоҳининг бўлим мудир, филология фанлари доктори Муҳаммадҷон Ҳақимов Алишер Навоийнинг 24 асари 254 қўлёзма нусхаси тавсифи—каталогини манбашунослик характерида яратиб берган олимларимиздандир. Яқинда М. Ҳақимовнинг «Фан» нашриёти томонидан «Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар» номи рисоласи (1991 й.) чоп этилди.

Рисолада XV асрнинг иккинчи ярмида XX аср бошларига қадар Навоий асарларини китобат қилган

тошбосма нусхалари ва уларни кўчирган хаттотлардан 25 нафари исми-шарифининг тўлиқ берилиши маъзур хаттотлар яна бошқа асарларни ҳам кўчирганликларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Хаттотлар орасида Али бинни Нур, Пир Муҳаммад ибн Шайх Тохир Табризий, Шермуҳаммад Муниис, Абдураҳим ибн Муҳаммад Фозил Қошғарий, Мулла Рўзи котиб каби ўз замонасининг йиллик олим ва шоирларининг номлари бор.

Султонли Машҳадий, Абдулҷамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган

қўлёзмалар Навоий асарларининг биринчи нусхалари ҳисобланади. Султонли Машҳадий — хаттотликда мактаб яратган санъаткор. Ҳирот хаттотлик мактабининг раҳбари, наъзалик хатининг беназир устаси. Алишер Навоийнинг шайхли котибларидан бири. У «қиблат ул-қутуб» (котиблар шеъеси) ва «султон ул-хаттотин» (хаттотлар султони) унвонларига сазовор бўлганлардандир.

XV аср Ҳирот хаттотлари орасида Алишер Навоий асарларини энг кўп китобат қилган Султонли Машҳадий бўлиб, жаҳон қўлёзма хазиналарида Навоий асарларидан у кўчирган иккита қўлёзма фанга маълум.


Беш аср давомида Алишер Навоий асарларини кўчирган котибларнинг хат услубига назар ташласак, уларнинг деярли ҳаммаси араб ёзувининг наъзалик услубидан фойдаланганлар. Оддий котиблар йиллик, аниқ ва раво, санъаткор хаттотлар эса майда, нафис ва бадий наъзаликда ёзиб қолдирганлар.

XV асрдан бошлаб то XX аср бошларига қадар ўзбек тилида китобат қилинган маъбадларнинг қарийб ярмини Навоий асарларининг нусхалари ташкил қилади. Шунинг учун ўзбек китобатини, хаттотлиги, бадий қўлёзма ва миниатюра санъатининг сўнгги беш асрлик тараққиётини — мактаблар, услублар, намоёндалар фаолиятларини ўрганишда Навоий асарларининг қўлёзмалари етакчи, айрим ҳолларда ҳал қилувчи манба вази-фасини ўташга шак-шубҳа йўқ.

Суннатулла РИЗАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент.



Пойтахт театрларида НАФОСАТ ДАРСИ



АНИҚЛАРИНИНГ
ГАРОИИБ СИРИ

АНИҚЛАР бир неча ойлаб давом этаётган уй-қула кетганда қонларда заҳарли моддалар тўпала-ниб қолмади.

Тиббиёт профессори Ральф Нельсон бу ҳодисани сал кам йилгирма йилдан бери тадқиқ қилади. У айни оғанизни заҳарловчи моддалар — пешоб тўпланиб қолганининг олдин олутган қандайдир алоҳида моддалар алмашинувиға эга, деб ҳисобламоқда. Ҳатто, ҳай-вон олти ой овқатсиз ва гавдидан чиқиндиларни чиқармасдан ётса ҳам ҳеч қандай пешоб тўпланмайд.

Агар бу сир очилса борми, докторлар сурункасига еки кучли бурак касалликларидан олган оғирган кишиларга ёрдам бериш имконига эга бўлардилар. деб ёзади «Натюрн» уйилдлаф» ойнамаси.

ДАРАХТ КОВАГИ...
УИ

● ХОРСТ Зиберт Африкада чет аф легионда 15 йил хизмат қилди, қанчадан-қанча жангларда қатнашди. Кексайганида тинч ҳаёт кечиршига қарор қилди ва яшаш учун Шимолий Угандани танлади. У те-жамкор киши бўлганлиги учун ҳам пулни уй сотиб олишга сарфлашни истамади.

Бунинг ўрнига Китум шаҳри яқинида қурган бошбас дарактини нзлаб топди. Дарактининг қанда-ланг кесими 7,5 метрни ташкил этади. Зиберт ик-ки ярим ой давомида қат-тиқ ишлади. Шу вақт ичи-да даракх танаси ичида ётоқхона, кабинет, мўъжа-гина меҳмонхона ва ҳужра-ни жиҳозлади. «Хонадон» ичи доим қуруқ, ҳарорат деярли бир хил даражада бўлади. Зибертнинг айти-шича, эндиликда у девор қуриши, боғ ва кичкина бў-са ҳам экинзор барпо эти-ши керак.

(«ТРУД»дан).

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

аллашув, баҳс-мунозара ва савол-жавоблар давом этти-рилди. Бу иккундай мулоқот дорилфунун талабаларида катта таассурот қолдирди. Ҳам таллимий, ҳам тарбия-вий аҳамияти самарали бўл-ган бундай дарсларнинг бош-қа театрларда ҳам ўткази-лишини истардик.

СУРАТЛАРДА: ана шу дарсдан наъзалар.

Сураткаш И. ШЕРБЕК.



ЖИГАРИСТОН:

ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРИШДИ

Жигаристонликларга та-биий офат юзасидан ҳам-дардлик билдираётганлар-нинг, мадад бераётганлар-нинг кети узилмайти. Тош-кентдаги Собир Раҳимов райони ахли ҳам табиий офатдан зарар кўрганлар-га қўлларидан келганча ёр-дам қилишга аҳд қилди-лар. Райондаги 8 та маҳал-ла: Октябрь 40 йиллиги — 875 сўм, Мевазор — 700 сўм, Бобур — 128 сўм, Ға-ган — 100 сўм, Қалонхона — 100 сўм, Мискин — 1000 сўм, Чигатой дарбоза — 359 сўм, Шарқ ҳақиқати — 300 сўмдан пул йиғиб, жи-ми — 3462 сўм пулни жи-гаристонликларга ёрдам фон-дига ўтказдилар.

Район икромқўми раиси ўринбосари Ш. Рашидов ва район маҳаллалар Кенга-шининг раиси Н. Алимов-лар воқеа содир бўлган жой-га бориб ерлик аҳолига ҳам-дардлик билдирдилар.

Д. АҲМЕДОВ.

ҲАМШАҲАРЛАР ҲИММАТИ

Шаҳримиздаги Жигари-стон кўрғонига юз берган табиий офат барчани таш-вишлантирди. Ҳамма қўли-дан келганча ёрдам бе-ришга отланди. Ангрена-даги «СССР 60 йиллиги» но-ми «Ўзбекрезинотехника» заводи ишчи-хизматчилари ҳам ўларанининг бир қу-лик иш ҳақларини ҳамша-ҳарларига ёрдам кўрсатиш фондига ўтказдилар.

Ҳ. ЖҲАЕВ,
Ангрэн шаҳри.

Мунозара учун мавзу

Яқинда диёримиз бўй-лаб яна бир хушхабар тар-қалди. Пойтахтимиз Тош-кентнинг Чорсу майдони-даги XVI аср меъмори-нинг ноёб обидаси — Қўқалдош мадрасаси ўрта-Осиё ва Қозғистон мусул-монлари диний бошқарма-си ихтиёрига қайтариб бе-рилди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Ва-зирлар Маҳкамаси яна бир одил, кишилар дилидаги қарорни қабул қилди.

Дарҳақиқат, Эски шаҳар-нинг қоң марказидаги ба-ландликка қурилган ушбу тарихий обиданинг асл ага-ларига қайтарилишини юрт-дошларимиз кўп йиллар-дан бери ороу қилиб келар-дилар. Мана қайта қуриш, ошкоралик, қолаверса, жум-хуриятимиз раҳбарияти-нинг динга нисбатан янги-ча муносабатига ечимлас муаммоларни ҳал этиб бе-ри. Биргина бу эмас, бал-ки вилоят ва пойтахтимиз-нинг ўзида сўнгги йил-ларда дин билан боғлиқ ўнлаб бинолар мусулмон-лар тасарруфига ўтказил-ди. Гавжум жойларда ян-ги жомеа масжидлари қу-рилмоқда. Ҳа, тан олай-лик, қайта қуриш ва ош-коралик олий қадриятла-римизнинг тикланишига чи-накамия дадала бўлди. Ле-кин биз ноёб ишотлар ва у идорада бў идора ихтиёрига ўтказасан бўлди, деб қараб туришимиз ке-рак эмас. Зеро, замини-миздаги ҳар қандай қадим-ий обиди, зиёратгоҳ энг аввало халқнинг, келажак авлодга уни бешиктаг ет-кази эса бизнинг муқаддас бурчимиз. Замона зайли билан динга, обидаларга нотўғри муносабат туфай-ли қўлаб ноёб бойлик-ларни йўқотиб, бузиб бўл-ди. Энди қолганларини авайлаб-асрашимиз даркор. Албатта, бундай ишлар катта маблаг, ақл-заковат, моҳирлик талаб қилади. Саёхатчилардан ва давлат хазинасидан маблаг қутиб шу кунгача, тўғриси, би-рор иш қилинмади ҳисоб.

Обидаларга маблаг қиди-риш, уни аслига қайта-риш, ўзига хос туристик саноатни юзгага келтириш ва бундан жумхуриятимиз миллий даромадига маъ-лум фоида фойда келти-риш аслида бизнинг ҳур-матли депутатларимиз ва мутасаддиларимизнинг иши бўлса-да, мен токи бу иш-лар амалга оширилгунча биздан, яъни оддий фуқаро-лардан қандай ёрдам ке-рак эканлигини кўп мушо-ҳада қилиб юрамдиз. Бу-ни қарангки, мени ўйлан-тирган саволларга Чорсу-даги Қўқалдош мадрасаси рўпарасидagi бекатда жа-воб тошгандай бўлдим. Сутдек оқ, алвон хошия-лар билан безатилган «Вол-

лар ҳам бошланиб кетди. Болам, ҳойнаҳой булар бу ерга никоҳ ўқитгани келгандир-а, тунов кунни кимдир бу ерни мадраса-гами, масжидгами бери-шибди деган эди» — деб қолди.

— Ҳа, ҳола, аини кўн-гилдаги иш бўлди-да. — дедим қувонч билан. — Набираларимни тўй қилсам, албатта, шу ерда никоҳ ўқитаман. Бир вақт-лар қандоқ улғур жойлар эди бу ерлар. Менинг раҳ-матлик бувам шу ерларда сабоқ олган, болам. Тош-кентда келган ман-ман деган олиму-уламолар шу мадрас-ада бўлардилар. Сизлар буларни қардан ҳам би-лаесизлар. Ишқилиб юр-ти-

либ, «Бахт уйи»да никоҳни қайд этиб, сўнг бу ерда малакали уламолар никоҳ ўқисалар табаррук қадам-жоларимиз учун ҳам, ўтган авлодлар руҳи учун ҳам савобли иш бўлади-ку. Ўқи-тилган никоҳ ҳақи-хайрига пулини эса мадрасани таъ-мирлаш, ёки бошқа шу ка-би обидалар учун сарфлаш мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний бош-қармаси идораси ва шаҳсан Муфти Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ушбу тақдирини тўғри тушу-надилар, деб ўйлайман. Зеро, ёшларнинг ахлоқи, никоҳ масалалари бевосита эъти-қод жумласидандир. Мен бу билан бутун бини эмас, унинг бир қисмидан ёшлар-ни никоҳлаш учун фойдала-нишни тақлиф этаман. Шун-да Тошкент шаҳри ва ви-лояти бўйича марказлашган, ўзига хос доимий фаолият кўрсатувчи марказ ташкил тошган бўларди. Кези кел-ганда шунини ҳам айтиш ке-ракки, баъзи масжидларда келин-куёвлар жуда ноқу-лай аҳволга тушмоқдалар. Бир ёкда номоз вақти, бир ёкда тасодифан қобул қу-рган кишилар. Жуда ноқуш ҳаётини қарама-қарши ҳолат. Бунинг устига, ҳаммасига ҳамма қилувчи ягона имом-хатиб, у кишининг вақти эса жуда энг.

Аминанки, агар мен тақ-лиф этган марказ ташкил этилса ва уни бошқарма ҳам молиявий, ҳам маънавий на-зорат қилиб борса ҳамюрт-ларимиз учун яна бир ўзига хос маърифат ўчоғи пайдо бўларди. Қўқалдошнинг жо-зибадор, мафтункор, нуро-ний ва табарруклиги, албат-та ёшларимизни бехаттир ўзига чорлайди. Ҳаётлари-нинг илк давларини шу ер-дан фотиҳа олиб бошқашла-рига не етсин.

Азиз муштарийлар! Бу фикрларга сиз нима дейсиз? Бахтиёр КАРИМОВ.

Тошкент ҳақиқати
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:
700000 ТОШКЕНТ, ГСП
ЛЕНИНГРАД
КУЧАСИ, 32.



Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; маъсул котиб — 334808, 325353; маъсул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; кишлоқ ҳужалли — 325847; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; жамият масалалар — 325556; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

